

ИНГЛИЗ ТИЛИ РИВОЖИДА ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Гўзал Алишеровна Жуманова

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақола лексик бойиб боришнинг алоҳида қатлами сифатида инглиз тили ривожига ўзлашувларнинг роли масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Тадқиқот доирасида ўзлашувларнинг турлари ва уларнинг тил лўғат таркибини бойитилишидаги аҳамияти ўрганилади. Муаллиф ўзлашувларни инглиз тилини кўп асрлик ривожланиш тарихи маҳсули сифатида баҳолайди.

Калит сўзлар: ўзлашган сўзлар, лаҳжа, транскрипция, калькалаш, транслитерация, семантик, трансформация, чатишув, маданий-иқтисодий алоқалар.

THE ROLE OF BORROWING WORDS IN THE DEVELOPMENT OF ENGLISH

Guzal Alisherovna Jumanova

Teacher, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent

ABSTRACT

The article is devoted to the problem of studying the role of borrowing in the development of english as a special layer of lexical enrichment. In the context of the problem, the types of borrowing and their role in enriching the dictionary composition of the language are considered. The author sees borrowing as a product of the long historical development of english.

Keywords: borrowed words, adverbs, transcription, calculus, transliteration, semantic, transformation, crossing, cultural and economic ties.

КИРИШ

Замонавий инглиз тили ўзининг узоқ давр тарақиёти давомида ўз таркибига: грамматик таркиби ва лексикасида турли ўзгаришларга турли ҳил тарихий жараёнлар таъсирида тушиб такомиллашиб борган. Бу каби ҳолат, деярли барча мавжуд ва тараққий этиб келаётган тилларда ҳам кузатилади[4].

Босқичма-босқич ўзгаришлар тилнинг ўз ривожланиш қонуниятлари

асосида, изчил, айниқса, сўз бойлиги бўйича ўзгаришлар эса ташқи таъсир остида содир бўлган. Иккала ҳолатда ҳам бу ўзгаришлар, турлича бўлса-да, тил тизимларининг барча даражаларида ўз аксини топиб борган.

Тилшуносликда қабул қилинган назарий қонуниятларга кўра тил ўзининг асосий мулоқот вазифасини ўташи учун лўғат инсон фаолиятининг барча соҳалари бўлган ишлаб чиқариш, илм-фан, дунёқараш, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, кундалик ҳаётдаги ўзгаришларга мослашиши ва бу жараёнларни ўзида тўла акс эттириши керак бўлади[9, 57-59].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бир тилдан иккинчи тилга сўзларнинг ўзлашуви қадимий ва инсониятнинг маданий тараққиётига ҳамоханг кечувчи табиий жараён бўлиб, барча қадимги тилларда содир бўлган жараён дир. Ўзлашган сўзлар янги тилга ўзлашуви шакли ўлароқ ўзлашилган тилда ўз ўрнига эга бўлади. Хусусан, биринчи ҳолатда, икки бошқа тилли халқларнинг жонли мулоқоти орқали ёки моддий маданият буюмларини номини ўзлаштирилиши орқали сингиш. Бунда, ўзлашаётган сўзлар тезроқ ва тўлиқ янги тилда ассимиляциялашади. Иккинчи ҳолатда, бегона сўзларни бошқа тиллардан таржималар орқали ўзлашуви. Бунда, янги ўзлашган сўзлар кўпроқ ўзининг фонетик, орфографик ва грамматик хусусиятларини сақлаб қолади[2, 23].

Ўзлашувлар табиатига кўра тўғридан-тўғри ва бевосита ифодалаш орқали амалга ошади.кўпгина ҳолатларда ўзлашган сўзлар тилга янги буюмлар ва аввал маълум бўлмаган тушунчаларни англатувчи сифатида ёки маълум бўлган буюм ва ходисаларнинг иккинчи номлари сифатида кириб келади. Бу ходиса ўзлашган сўзни буюмнинг умумқабул қилинган интернационал атама муайян бошқа ифодаси сифатида қўлланилишида ёки хорижий сўзлар мажбурий ҳолатда тилга киритилганда (сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда) кўзатилади.

Мутахассис Л.Л.Нелюбин таърифича, ўзлашмалар – бу “янги тушунчаларни ифодалаш, мавжуд тушунчаларни янада дифференцияциялашган ҳолда ифодалаш ва аввал номаълум бўлган буюмларни белгилаш учун бошқа тилларнинг лексик фондида мурожаатдир” [6], деб таърифлайди.

Тиллараро сўзларни ўзлаштируви жараёни бугунги кун тиллар ривожиди самарали йўл, лўғатни тулдириш, “янги буюмлар, шахслар, жойлар ва тушунчаларни ифодалаш зарурати”ни тулдиришнинг, универсал усули[3,95], “ифодалаш воситаларининг семантик ва стилистик дифференцияси

тенденцияси” [5, 131-151] сифатида баҳоланаётган даврда тилларнинг табиий ривожланиш жараёнидир.

Мазкур илмий таъкидлар ўз ўрнида ҳар қандай тилни ўзга тиллардан сўзларни ўзлашуви орқали, лўғатини бойиб бориши бевосита тилнинг такомиллашуви ва ривожланиши жараёнидир. Инглиз тили ҳам ўзининг кўп асрлик тарихида қайд этилган тилларни ривожланиш қонуниятлари асосида тараққиёт йўлини босиб ўтди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инглиз тили лексикасининг бойиб бориши дастлаб ўзининг сўз тузиш, аффиксация ва сўзларни қайта тузиш каби ички имкониятлари ҳисобига ошиб борган бўлса-да, бошқа тиллардан ўзлашмалар ҳам мазкур тилни ривожда катта ўринга эга [7, 22-26]. Тиллар ривож қонуниятларига биноан, инглиз тили лексикасининг сон ва сифат ўзгариши инглизларнинг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, замонавий инглиз тилининг лўғат бойлиги асрлар давомида босқичма-босқич бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ва уларнинг даврлар ўтиши билан тилнинг асосий лўғат бойлигидан муносиб ўрин эгаллаб бориши билан аксланади. Бу жараёнда дастлабки даврларда ўзлашган сўзлар кейинчалик мулоқотда қўлланилмай бориши ёки ушбу сўзларнинг бошқалари билан алмашинуви содир бўлиб борган. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу шўлашмалар ва улар билан боғлиқ жараёнлар инглиз тилининг ривожланиб бориши жараёнларини ўзида ак этади.

Замонавий инглиз лексикаси ўзида бутун бир даврлар ўзгаришларини акс эттиради. Хусусан, христиан динини қабул қилиниши ва лотин маданияти билан тукнаш келиниши ҳамда ушбу қадимий тилдан инглиз тили таркибига катта хажмдаги сўзларни шўлаштирилишининг ўзи бир босқични ташкил этади. Бунга биз лотин тилидан қадимги инглиз тилига кириб келган ва бугунги кунгача сақланиб қолган “ancora”дан ancor (anchor); “bursa”дан purs (purse); “soccus”дан socc (sock); “pondo”дан pund (pound); “camelus”дан camel (camel); “rosa”дан rose (rose); “episcopus”дан biscop (bishop) ва бошқа кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин [2].

Скандинавиялик ва номанлар босқинларидан кейин инглиз тилида қадимдан мулоқотда бўлган, кундалик ҳаётда қўлланиладиган сўз бойликлар қўлланилмай, мулоқотдан чиқди. Лекин, шу билан бир қаторда, скандинавия тилларидан bread (қадимги инглиз – “нон бўлаги”), dream (қадимги инглиз – “хурсандчилик”), holm (қадимги инглиз – “океан, денгиз”), plough (қадимги

инглиз – “ер ўлчови”) каби сўзлар мулоқотга кириб келди ва бугунги кунга қадар шу мазмунда қўлланилиб келмоқда[8].

Инглиз тилида ўзлашма сўзларни кенг хажмда кириб келишига Юз йиллик уруш, Уйғониш даври, Англиянинг денгиз ҳукмронлиги ва мустамлакачилик босқинчиликлар, савдо ва саноат, илм-фан ва адабиёт ривожини, буржуа инқилоби ва ишчилар синфининг ўз-ўзини англаши ва алоҳида интеллектуал қатлам сифатида шаклланиб бориши, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари воқеъликлари катта таъсир ўтказган. Ушбу жараёнлар таъсирида инглиз тилининг лўғат таркиби ўзининг туб инглиз сўзлардан иборат асосини сақлаган ҳолда юқори даражада аралашган шаклга эга бўлди.

Юқоридаги лексик ўзлашувлар натижасида инглиз тилида ўзга тил лексикаси янги воқеъликларни белгилаш услуби ва мавжуд белгилашларни алмашинуви сифатида инглиз тили лўғатини тулдирилиб боришида муайян ва муҳим ўринни эгаллади. Албатта, бу янгилашлар тезда умумэтирофга ва тилда мустаҳкам ўрин олмаслиги ҳам табиий жараёндир.

Ўзлашувлар жараёнида лаҳжалардан ўзлашиш, яъни мазкур тилни ўзидан, лаҳжалардан умумтилга кўчиш ва маданий ўзлашиш – бошқа тилдан ўзлашув каби шаклларда амалга ошади. Юқорида таъкидланганидек, бу икки жараён ҳам халқ тарихи, унинг ривожини ва бошқа тил вакиллари билан яқин этно-маданий алоқалари маҳсулидир. Инглиз тилида бу икки жараённи изчил ва фаол кечганини гувоҳи бўламиз.

Инглиз тилини лўғат таркибини таҳлил этиш жараёнида қадимги герман ва умум ҳиндоевропа тиллар бирлашмасига бориб тақалувчи лексик элементлар ҳамда инглиз тилида сўз яратилиши натижасида шаклланган сўзлар асосий негизни ташкил этишини кўзатишимиз мумкин. Бироқ, бу манбалар ўз ўрнида инглиз тили лўғат таркибини бойиши ва ривожланишини ягона манбаи бўлмаганлигини ҳам таъкидлашимиз мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, замонавий инглиз тили лўғати таркибига ўзга тиллардан лексик ўзлашувлар ҳам ўрин олган. Бунда, ўзлашувларнинг муҳим манбаи бўлиб лотин, француз ва скандинавия тиллари хизмат қилган. Мазкур тиллар сўзларининг маълум қисми шу даражада инглиз тилига шунчалик ассимиляциялашганки, ҳатто асосий лексик ядрога сингиб борган. Бироқ, ушбу тиллардан ўзлашган сўзларнинг катта қисми лексик ядро таркибида жой олмаганлигини ҳам таъкидлаш зарур[1, 47-48].

Тадқиқотчилар томонидан инглиз тили лексикасининг иккита асосий англосакон ва роман қатламлари ажратилади. Роман қатлами ўз ўрнида лотин

ва француз қатламларидан иборат бўлиб, улар бир-биридан инглиз тилига кириб келиши вақти ва ўзларининг семаник хусусиятларига кўра таркибий қисмларга бўлиниши мумкин. Бундан ташқари, инглиз тили лексикасида юнон, скандинавия, италян, испан тиллари ҳамда рус ва туркий тилларни қушган ҳолда 50 дан ортиқ дунё тиллари қатламларини ҳам мавжудлигини қайд этиш ўринлидир.

Шу ўринда лексик ўзлашувларнинг асосий усулларини таснифлаганда транскрипция, калькалаш, транслитерация ва семантик шакллари ажратишимиз мумкин. Транскрипция шакли – бу лўғат бирлигини овоз шакллари сақлаган ҳолда ва айрим ҳолларда ўзлашаётган тилнинг фонетик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муайян ўзгаришлар билан ўзлаштирилиши. Мисол учун, француз тилидан regime, bal-let, bouquet ва кўплаб бошқа ўзлашган сўзларни келтиришимиз мумкин. Бу сўзлар овозининг таркибий қисмлари, кам истисноларни ҳисобга олмаганда, қабул қилувчи тил овозлари билан алмаштирилса-да, ўзлаштираётган тил учун умумий овоз комплекслари янги ҳисобланади.

Транслитерация – бу хорижий сўзни ёзилиши ўзлаштирилиши усули. Бунда ўзлашаётган сўзнинг харфлари ўзлаштираётган тилнинг харфлари билан алмаштирилади ва ушбу тил қоидалари асосида ўқилади. Инглиз тили қоидалари асосида ўқилса-да юнон, лотин ва француз тилларидан транслитерация услубида ўзлашган ва ўз график хусусиятларини сақлаб қолган сўзлар кўпчиликни ташкил этади[8]. Худди шундай, транслитерация услубида инглиз тилидан бошқа тилларга ўзлашган сўзлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Калькалаш – бу сўз ва сўз бирикмаларини ассоциатив мазмуни ва тузилишини модели ўзлаштирилиши. Яъни, хорижий сўз ва ибораларни тўғридан-тўғри таржимаси кўринишида, ўзлашган сўзни морфологик тузилиши ва далилланишини сақлаган ҳолда аниқ талаффуз этилишидир. Калькаланганда ўзлашаётган сўз ва ибораларнинг компоненталари алоҳида таржима қилинади ва хорижий сўз ва иборалар намунаси бўйича бирлашдирилади. Масалан, немис тиладаги от Vaterland, қисмлаб таржима қилинганда, инглизча Fatherland калькасини келтириб чиқарган.

Семантик ўзлаштириш – бу янги, кўп ҳолларда кўчма мазмунни тилда мавжуд сўзларга ўзлаштириш. Pioneer ва brigade сўзлари инглиз тилида “советивизмлар” кириб келгунга қадар ҳам мавжуд эди. лекин, “болалар коммунистик ташкилотлари” ва “меҳнат жамоалари” мазмунлари инқилобдан кейинги рус тили таъсирида ўзлашган[8]. Семантик ўзлашувлар қардош

тилларда айниқса осон ўзлаштирилади.

Транскрипция, калькалаш, транслитерация ва семантик ўзлашувларни бир номли таржима усулларида фарқлаш керак. Механизмларига кўра фарқланмаса-да, натижасига кўра фарқланади. Таржимада лўғат кенгайиши кўзатилмади. Лекин ўзлашувда янги лўғат бирликлари вужудга келади.

Инглиз тили ўзининг 1500 йиллик ривожланиши тарихида, унинг ташувчилари Европа ва дунёнинг турли минтақаларида бошқа тиллар ташувчилари билан яқиндан мулоқот олиб борганликлари ва ўзаро таъсир орқали 50 дан ортиқ тиллардан сўзларнинг ўзлашганлигини[10] кўришимиз мумкин. Бу эса ўз ўрнида инглиз тилида ўзлашган сўзлар кўплигини назарий жиҳатдан асослайди. Ўзлашувлар тилларни чатишуви ва халқлар ўртасида маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий алоқалар натижасида амалга ошади.

Инглиз тили ўзининг тарихий ривожланиши жараёнида скандинавия тиллари, француз тилининг норман лаҳжаси билан чатишган. Ундан ташқари, инглиз тили, ўзнинг бутун тарихи давомида муайян даражада латин, француз, испан, рус, немис ва дунёнинг бошқа тиллари, шу жумладан, туркий тиллар билан алоқада, шу аснода, ўзаро таъсирда бўлган. Халқлар ўртасида маданий-иқтисодий алоқалар натижасида тиллар чатишуви каби, ўзаро таъсир ҳам бир тилнинг иккинчи тилга таъсири нуқтаи-назаридан бир ҳил қийматда бўлмаган. Ўзлаштирилган сўзларнинг сони ва характери асосан бир тилнинг иккинчи тилга таъсири амалга ошган аниқ тарихий шароитларга боғлиқ.

Тиллар алоқаси натижасида скандинавия тилларидан ўзлашган сўзларнинг лўғат таркибининг тахминан 60% ташкил этган француз тилидан ўзлашган сўзларга нисбатан камчиликни ташкил этади.

Ўзлашган сўзларни тилда мустақам ўрнашувига бир қатор омиллар сабаб бўлади. Кириб келган сўзнинг мазмунан воқеъликни аниқ ифодалаши, аввал мавжуд тушунчани қушимча ифодалаши даражасига боғлиқ. Ўзлаштирилган сўзларнинг тилда ўрнашуви ҳолатида уларнинг инглиз тилининг фонетик ва морфологик қоидаларига мослашуви жараёни ҳам содир бўлиб, бу ўзлаштирилган сўзларнинг тарнсформациясининг табиий жараёнидир. Бироқ, тил инглиз тилининг тушунчаларнинг мавжуд шакллари бўйича ўзгартиришдан кўра ўзлашган сўзларни дастлабки кўринишида қабул қилишга мойил.

Шу билан биргаликда, таъкидлаш жоизки, китоб лексикасидаги бошқа тил ўзлашмалари маълум бир вақт ўзининг дастлабки шаклини сақлаб қолади. Масалан, ўрғу, график кўриниш ва талаффуз сақланади. Кўпликадаги шакллари камдан-кам ҳолларда сақланади. Натижада, ўзлашмалар асл мазмунни

ўзгартиради, бу эса табиий ҳолат. Қолаверса, янги мазмун олишлари ҳам мумкин. Яъни, сўзлар ўзлашув жараёнида мазмунан янгиланиб боришлари ҳам амалда кўзатилади.

ХУЛОСА

Демак, таъкидлаш мумкинки, ўзининг узоқ ривожланиши тарихида инглиз тили улкан ҳажмда сўзларни қабул қилган ва улар лўғат таркибига киритилган. Улар орасида хизмат сўзлари ва сўз тузувчи морфемалар ҳам мавжуд. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, замонавий инглиз тили лексикасида, азалий сўзлар тахминан 30% ташкил этади. Юқорида таъкидлаганимиздек мазкур тилда 50 дан ортиқ, шу жумладан, лотин, француз, италян, испан, голланд, рус, немис, шарқ ва бошқа тиллардан ўзлашувлар мавжуд. Ўзлашган сўзлар сонининг кўплиги айрим тилшунослар томонидан инглиз тили ўзининг ўзига хослиги йўқотган, у “гибрид тил”ни намоён этади, деган таъкидларни илгари сўрадилар.

Бироқ, инглиз тили ҳеч қачон ўзига хосликни йўқотмаган, чунки унинг грамматик тузилиши ташқи таъсирларга учрамаган. Бошқа тиллардан кўп сонли ўзлашувларга қарамасдан инглиз тили ўзига хосликни йўқотмади ва ўзининг ривожланиши давомида ўзига хос бўлган хусусиятли жиҳатлари билан герман гуруҳи тили сифатида сақланиб қолди. Ўзлашувлар натижасида ўзгаришлар эса фақатгина унинг лўғатини бойитди холос. Умуман олганда, тилдан тилга сўзларнинг ўзлашуви бу табиий жараён бўлиб, инглиз тили бу умумжараёнда фаол ва жадал тараққий этиб бориш хусусиятини намоён этган ҳолда ҳақли равишда етакчи халқаро мулоқот ва илм-фан тили сифатида ўзини намоён этиб келмоқда.

REFERENCES

1. Арсеньева М.Г., Балашова С.П., Берков В.П., Соловьева Л.Н. Введение в германскую филологию. / Учебник для филологических факультетов. – М.: ГИС, 2003 – С. 320.
2. Бородина, М.А. Латинский язык в современном мире / М.А. Бородина, В.С. Горбунова // Молодой ученый. – Выпуск № 12. – М., 2015. – С. 898-906.
3. Вайнрайх У. Языковые контакты: Состояние и проблемы исследования / У. Вайнрайх; предисл. А.Мартине; пер. с англ. и коммент. Ю.А. Жлуктенко; вступит. ст. В.Н. Ярцевой. – Киев: Вища школа, 1979. – С. 263.
4. Вольнова Д.Н. Иностранные заимствования как один из источников

словарного состава английского языка. //

<http://web.snauka.ru/issues/2014/12/39354>.

5. Крысин Л.П. Языковое заимствование как проблема диахронической социолингвистики / Л.П. Крысин // *Диахроническая социолингвистика*. – М.: Наука, 1993. – С. 131-151.

6. Нелюбин Л.Л. Толковый переводоведческий словарь. – 3-е издание, переработанное. – М.: Флинта: Наука, 2006. – С. 78.

7. Сарангаева Ж.Н., Даржинова Л.В. Роль заимствований в английском языке. // *Вестник Калмыцкого университета*. 2015 г. №3(27). – С. 22-26.

8. Merriam-Webster: Dictionary and Thesaurus [Электронный ресурс]. <http://www.merriam-webster.com/>.

9. Thomason, Sarah G. *Language Contact: An Introduction*. Washington, D.C: George-town University Press, 2001. – 310 pp.

10. <http://lingvotech.com/zaimstvovaniya>

11. Sanakulov, Z., Khudanova, S., Yuldasheva, N., & Tashpulatov, S. (2021). Representation of Word-Building Affixes in German-Uzbek Dictionaries: A Critical Analysis. *Psychology and Education*, 58(2), 7120-7128.

12. Khoshimova, D. R. (2021). Peculiarities to Improve Sensate – Expressive Speech While Teaching Listening. *Tilshunoslikdagi zamonaviy yo‘nalishlar: muammo va yechimlar*, 219-223.

13. Ахмедов, Б. А., Шайхисламов, Н., Мадалимов, Т., & Махмудов, Қ. (2021). Smart технологияси ва ундан таълимда тизимида кластерли фойдаланиш имкониятлари. *Scientific progress*, 1(3).